Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида чап қўли билан таом еди. Бас, У зот: «Ўнг қўлинг билан тановул қил!»,- дедилар. «Қодир эмасман»,- деди у. «Қодир бўлмагин!»,- дедилар

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида чап қўли билан таом еди. Бас, У зот: «Ўнг қўлинг билан тановул қил!»,- дедилар. «Қодир эмасман»,- деди у. «Қодир бўлмагин!»,- дедилар. Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади. Ҳалиги одам қўлини оғзига кўтара олмай қолди.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам чап қўли билан тановул қилаётган кишини кўрдилар ва уни ўнг қўли билан ейишга буюрдилар. Шунда ҳалиги киши кибр ва ёлғон билан қила олмаслигини айтди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўл билан ейишдан маҳрум бўлишини сўраб баддуо қилдилар. Аллоҳ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуосини ижобат қилиб, ҳалиги одамнинг қўлини шол қилиб қўйди. Шундан кейин у қўлини оғзига таом ейиш учун ҳам, ичиш учун ҳам кўтара олмади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3372